

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

312 Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби фаолиятини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби биносини ўқувчилар яшаш жойи ва ошхона билан биргаликда қуриш учун Анҳор бўйи кўчасида зарур бўлган ўлчамда ер участкаси белгиланган тартибда ажратишини таъминласин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерациясининг объект бўйича:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясини — буюртмачи этиб;

«Тошуйжой.ЛИТИ» ОАЖни — бош лойиҳаловчи ташкилот этиб;

«12-трест» ОАЖни — бош пудратчи ташкилот этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Қўйидагилар объектни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин: лойиҳалаш-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича — Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

ташқи муҳандислик — коммуникация тармоқларини ўрнатиш, тегишли туташ ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича — ихтисослаштирилган ва фойдаланувчи ташкилотларнинг тегишли маблағлари.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги объектда лойиҳалаш-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларига аванс бериш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги буюртманомаси бўйича бюджет ссудаси ўз вақтида ажратилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг объект учун мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган ҳамда импорт қилинадиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, мебеллар, инвентарлар ва моддий-техника ресурсларини, ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчиларнинг энг яхши таклиф-

ларини танлаб олиш асосида, тендер савдолари ўтказмасдан харид қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Объект учун қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, мебеллар, инвентарлар ва моддий-техника ресурслари ишлаб чиқарувчилари ва етказиб берувчиларининг энг яхши таклифларини танлаб олиш бўйича Комиссия таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзметкомбинат» ОАЖ ва «Ўзқурилишматериаллари» АК бош лойиҳаловчи томонидан тақдим этилган асосланган ҳисоб-китоблар бўйича объект эҳтиёжи учун металл прокати ва цементни тартибга солинган нархлар бўйича, тўғридан-тўғри шартномалар асосида «12-трест» ОАЖга ажратишни назарда тутсинлар.

6. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ва «Ўзтелеком» акциядорлик компанияси объектнинг электр таъминоти, газ таъминоти ва алоқа ташқи тармоқларининг ўз маблағлари ҳисобидан қурилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳалаш ишларининг эксперт кузатувини ва объект қурилишида шаҳар-созлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан архитектура-қурилиш назоратини белгиланган тартибда таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 20 июнь,
163-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 20 июндаги 163-сон қарорига
ИЛОВА

**Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-
ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби қурилиши учун
қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар,
мебеллар, инвентарлар ва моддий-техника ресурслари ишлаб
чиқарувчилари ва етказиб берувчиларининг энг яхши
таклифларини танлаб олиш бўйича Комиссия
ТАРКИБИ**

Закиров Б.	— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Комиссия раиси
Алиев М.	— Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўрин- босари, Комиссия раисининг ўринбосари
Ғаниев М.	— Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи
Тўраев М.	— Иқтисодиёт вазирлиги бўлим бошлиғи
Турдиев А.	— Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари
Камбаров Ш.	— «Давархитектқурилиш» қўмитаси бошқарма бошлиғи
Хайдаров А.	— Марказий банк раисининг ўринбосари
Азизов А.	— «ТошуйжойЛИТИ» ОАЖ директори
Шоазизов Ш.	— «12-трест» ОАЖ раиси
Орипов С.	— Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хиз- мати» инжиниринг компанияси директори, комиссия котиби
лавозимига кўра	— Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган бола- лар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг директори

Изоҳлар:

Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда унинг таркибига ушбу лавозим-
га янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юк-
ланган шахслар киритилади.

Комиссия зарур ҳолларда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар
мутахассисларини жалб қилиш ҳуқуқига эга.